Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1998 йил 27 январь сешанба

Сотувда эркин нархда № 19 (1800)

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари,

Таваллудингизнинг олтмиш йиллиги муносабати билан Ҳиллари ва менинг самимий қутловларимизни ҳамда умрингиз узоқ ва баракали бўлсин, деган эзгу тилакларимизни қабул айлагайсиз.

Сиз шу табаррук ёшга етган кунларингизда Ўзбекистоннинг 1991 йилдан буён ҳайратга тушарли даражада эришган улкан ютуқларига назар ташлаш учун ўта масъулиятли вазифаларингиздан бирозгина бўлса-да фурсат топарсиз, деб умид қиламан.

Ҳиллари ўтган йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистонга ташрифи чоғида Сизнинг самимий меҳмондўстлик кўрсатганингизни ҳаяжон билан эслайди. Ўзбекистонда унга тақдим этилган ажойиб совғалар учун Сизга шахсан ташаккур изҳор этишдан бахтиёрман.

Янги йил Сиз учун янги муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат йили бўлишидан умидворман.

Камоли эҳтиром ила,

Уильям Ж. КЛИНТОН,
Америка Қўшма Штатлари Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН ЭРИШГАН ЮТУҚЛАРНИНГ РОССИЯДАГИ ЭЪТИРОФИ

26 январь куни Тошкентда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга Г.Плеханов номидаги Россия Иқтисодий Академиясининг фахрий доктори дипломини топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тантанали тадбирни Иқтисодий Академия президенти Виталий Видяпин очиб, юксак илмий унвонни Ислом Каримовга тақдим этиш сабаблари, ўзи раҳбарлик қилаётган илм масканининг тарихи, бугунги кундаги фаолияти ҳақида сўзлади. В. Видяпин давлатимиз раҳбарига Г. Плеханов номидаги Россия Иқтисодий Академиясининг фахрий доктори дипломини ҳамда таомил бўйича докторлик либоси ва эсдалик медалини тақдим этди.

Президент Ислом Каримов ўзининг Г. Плеханов номидаги Россия Иқтисодий Академиясининг фахрий доктори дипломига сазовор бўлиши Россия илмий жамоатчилиги томонидан Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар самарасининг холисона эътирофи, халқимиз эришаётган ютуқларнинг муносиб баҳоланишидан далолатлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон мустақиллик йилларида эришган ютуқлар борасида тўхталиб, мазкур натижаларнинг қўлга киритилишида, баъзи МДҲ давлатларида бўлгани каби, "инқилобий сакрашлар" эмас, балки ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш бош мезон қилиб олиниши муҳим аҳамият касб этганини таъкидлади. Шунингдек, Ислом Каримов ислоҳотларни амалга ошириш ва иқтисодий ўсишга эришиш йўлида республика раҳбарияти беш муҳим тамойилга таянганини айтди. Булар — иқтисоднинг сиёсатдан устуворлиги, давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий сиёсат ҳамда эркин бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш. Бу тамойиллар асосида Ўзбекистон ўз моделини яратди ҳамда ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлади. Ўзбекистоннинг ўзига хос бу модели ҳозир хориждаги кўплаб мутахассислар томонидан ўрганилмоқда ва биз ҳақли равишда бундан фахрланамиз, деди Президент.

Ислом Каримовнинг халқаро илмий доираларда катта нуфузга эга бўлган мазкур Иқтисодий Академиянинг фахрий доктори унвонига сазовор бўлиши Ўзбекистонда юз бераётган ўзгаришлар, туб ислоҳотлар самарасининг яна бир эътирофидир, деб таъкидлади В.Видяпин. Россиялик олимнинг эътироф этишича, Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари орасида ялпи ички маҳсулот ҳажми сезиларли ўсаётган ягона давлатдир. Бу борада республикада эришилган кўрсаткичлар МДҲда энг юқоридир. Мамлакат белгиланган мақсадларга етишиш учун изчиллик билан олға одимламоқда. Бунда Президент Ислом Каримовнинг ҳиссаси беқиёс экани эса нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам яхши маълум, деди В.Видяпин. Энди эса, унинг мамлакатда туб иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, халқ хўжалигини тараққий эттириш, фуқаролар фаровонлигини ошириш йўлидаги хизматлари Россиядаги йирик илм маскани томонидан ҳам муносиб баҳоланди.

Россия илмий жамоатчилиги Ислом Каримовнинг яқинда Москвада кенг жамоатчиликка тақдим этилган "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китобига ҳам юқори баҳо берди. Ўзбекистон раҳбарининг Россия Иқтисодий Академиясининг фахрий доктори унвонига сазовор бўлишида Ислом Каримовнинг ана шу асари ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Россия Иқтисодий Академияси 1907 йили ташкил этилган. Дастлаб у "Тижорий таълим тарқатувчи Москва жамоатчилигининг тижорат институти», деб аталар эди. 1991 йилда институт Иқтисодий Академияга айлантирилди. Ҳозир унинг таркибида молия, маркетинг, банк ва суғурта институтлари, илмий-тадқиқот бирлашмаси, иқтисодий кибернетика, товаршунослик, бошқарув сингари кафедралар, магистрлар тайёрлаш маркази, аспирантура ва докторантура, кўпгина бошқа тузилмалар фаолият кўрсатмоқда. Иқтисодий Академияда 12 минг нафар талаба таҳсил олади. Унда икки юзга яқин профессор ва фан доктори, беш юздан ортиқ фан номзоди меҳнат қилади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, вазирлик, идора, йирик илмий муассасаларнинг раҳбарлари ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

Маросимда Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси А.Пацев ҳозир бўлди.

(ЎзА)

СУРАТДА: диплом топшириш маросимидан лавҳа. Р. ЖУМАНИЁЗОВ олган сурат.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

ФАЗОГИР СОЛИЖОН

Н Ь Ю — Й О Р К. Американинг "Индевор" космик кемаси Флориддаги "Мисе канаверал" космодромидан осмонга муваффақиятли кўтарилди...

Ушбу кема экипажи аъзолари орасида Қирғизистонда туғилган ўзбек миллатига мансуб Солижон Шарипов ҳам бор.

(ЎзА хабаридан).

Осмонда бир ўзбек учиб юрибди,
Фазогир Солижон, гапнинг сираси.
Юлдузлар васлига боқиб турибди
Мирзо Улуғбекнинг чин набираси.

Туркий дунёмизга яна битта зеб,
Солижон самони кўргали кетди.
Бобом юлдузлари жойидами, деб
Уларнинг ҳолини сўргали кетди.

БОННДА ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

Германия Федератив Республикаси пойтахти Боннда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг немис тилида чоп этилган "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Унда ГФРда фаолият кўрсатаётган чет эл дипломатлари, давлат ва жамоат арбоблари, сиёсатчи ва шарқшунослар, ишбилармонлар, Бундестаг депутатлари ва журналистлар қатнашди.

Китоб Германияда яқинда чоп этилганига қарамай, у билан кўплаб давлат ва жамоат арбоблари, иқтисодчи ва сиёсатшунослар танишиб чиқдилар. Оддий хорижий китобхон учун бу асар Марказий Осиёдаги ёш давлатни ўзи учун кенгроқ кашф этиш имконини берса, мутахассис учун эса минтақадаги вазият ва жараёнлар ривожининг келгуси истиқболлари аниқ акс эттирилиб, оқилона баҳо берилганлиги билан қадрлидир.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари — республика Президентининг Давлат маслаҳатчилари В. Голишев ва В.Норов, Давлат матбуот қўмитаси раиси Р. Шоғуломов йиғилганларни мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг янги асарида қаламга олинган кенг кўламдаги мавзулар билан яқиндан таништириб, китобнинг аҳамияти ҳақида батафсил сўзлаб бердилар.

Маросимда қатнашган Германия Федератив Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг давлат маслаҳатчиси, доктор Хартман, Ўзбекистон-ГФР ҳамкорлиги парламент гуруҳи раисининг ўринбосари Эрика Райнхардт, китобни чоп этган "Гьюбир Тоннес" нашриёти директори Клаус Дрёгемюллер ва бошқалар Президент Ислом Каримовнинг янги китоби билан бир қаторда Ўзбекистонда сўнгги йилларда эришилган ютуқларга, икки томонлама ҳамкорлик истиқболларига комил ишонч билан қараётган давлатимиз келажагига юқори баҳо бердилар.

Сўзга чиққанлар "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида" асари кўплаб немис муштарийларининг китоб жавонидан муносиб ўрин олишини алоҳида таъкидладилар.

(ЎзА)

Тошкентда санацияга киритилган қишлоқ хўжалик корхоналарига тайинланган ташки бошқарувчиларнинг республика семинар-кенгаши бўлди.

ТАШҚИ БОШҚАРУВЧИЛАР СЕМИНАРИ

Унда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосарлари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Семинарни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири И. Жўрабеков бошқарди.

Бош вазир ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Б. Ҳамидов Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис ўнинчи сессиясида сўзлаган нутқи асосида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари ҳақида маъруза қилди. Таъкидландики, республика раҳбарияти бу борада амалга ошираётган улкан ишлар натижаси ўлароқ, иқтисодиётнинг бу муҳим тармоғида туб ўзгаришлар содир бўлмоқда, қишлоқ инфратузилмаси шаклланмоқда, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ҳажми сезиларли даражада кўпаймоқда. Бунда ҳисоб-китоб ишлари анча яхшиланган ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Шунга қарамай, жойларда айрим туман ва хўжалик раҳбарларининг ишни янгича ташкил эта олмаётгани, ерни экишга барвақт тайёрлаш, маҳаллий шароитда мўл ҳосил берадиган навларни танлаш, агротехника тадбирларининг ўз вақтида ўтказилишига жиддий эътибор бермаётгани оқибатида кутилган натижаларга эришилмаяпти. Ўтган йилни республика бўйича 662 хўжалик зарар билан якунлади. Уларнинг 104 таси санацияга киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ мазкур хўжаликларнинг ҳар бирига ташқи бошқарувчи тайинланди. Уларнинг тезроқ оёққа туриб олиши кўп жиҳатдан мазкур бошқарувчиларнинг ишга юксак масъулият билан ёндашиши, ташкилотчилиги ва тамойилга шаббускорлигига боғлиқдир. Бу борада уларга ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархи ҳисобини пухта йўлга қўйиш, меҳнат ва моддий ресурсларни қайтадан кўриб чиқиш, мавжуд дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқа муддатда узиш, контрактация шартномаларини янгидан тузиш, мулкчиликнинг илғор усуллари, жумладан, оила пудратини кенг жорий этиш, ишни бизнес режа асосида ташкил қилиш юзасидан аниқ тавсиялар берилди.

Неъмат ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

ТАШРИФ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов бошчилигидаги делегация Японияга ташриф буюрди. 25-28 январь кунлари ташриф дастурига кўра, делегациянинг япон ишбилармон доиралари вакиллари, қатор вазирлик ва идоралар, йирик савдо компаниялари, шунингдек, «Мицубиси корпорейшн», «Сумитомо корпорейшн», «Мицуи ва Ко» раҳбарлари билан учрашув ва музокаралари бўлиб ўтади.

Ташрифнинг биринчи куни Бош вазир Ўткир Султоновнинг «Мицубиси корпорейшн» президенти С. Морохаси билан учрашуви бўлиб ўтди. Ҳамкорликни кенгайтириш, жумладан, асримизнинг энг йирик лойиҳаларидан бири бўлиб қоладиган Ўзбекистон ҳududidan Хитой орқали Японияга ўтувчи газ қувурини ётқизиш масалалари тўғрисида кенг фикр алмашувлар бўлди. Ушбу лойиҳани амалга оширишга бошчилик қилаётган «Мицубиси корпорейшн» кафил бўлиши таъкидланди.

Шу куни ўзбек делегацияси раҳбари Ў. Султонов Японияннинг обрўли саноя киритувчи муассасаларидан бирининг раҳбари — «Номура Ресерч Институт. Лтд» директорлар кенгаши бошқаруви раиси Т. Чино билан учрашди.

Япон томони Ўзбекистоннинг саноя киритиш имкониятларини, шунингдек, ўзбек томонининг ишлаб чиқариш ва транспорт салоҳиятини бундан кейинги ривожланишига кўмаклашишга қаратилган ҳаракатларни юқори баҳолади.

Томонларнинг ҳамкорликни кенгайтиришга бўлган интилишлари ўзбек ҳайъати аъзоларининг «Номура Ресерч Институт. Лтд» президенти Ш. Хашимото ва «Номура Секюритиз Ко. Лтд» компанияси раиси М. Сузуки билан бўлган учрашувларида таъкидлаб ўтилди.

Ташрифнинг иккинчи куни 26 январда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султоновнинг Халқаро молиявий корпорациянинг Шимолий Африка, Яқин Шарқ ва Марказий Осиё бўйича департаменти директори А. Ховагумиян билан учрашуви бўлди.

Японияннинг Эксимбанк биносида Ўзбекистон иқтисодига чет эл сармояларини жалб этиш масалаларига бағишланган семинар иш бошлади. Мамлакатимиз делегацияси раҳбари Ў. Султонов «Ўзбекистонга чет эл сармоялари киритиш имкониятлари» мавзусида маъруза қилди.

Ташриф давом этмоқда.

Музаффар ЗОҲИДОВ,
Баҳодир МАМАЖОНОВ,
«Жаҳон» АА мухбирлари.
Токио.

ҲАР БИР ИШГА ЖИДДИЙ ЁНДАШМОҚ ЗАРУР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий мажмуининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда ушбу мажмуага кирувчи вазирлик, қўмита, компания ва идоралларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисни Бош вазир ўринбосари Алишер Азизхўжаев бошқарди.

Кун тартибига қўйилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар боришининг ўтган йил якуни ва "Инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури"нинг бажарилиши тўғрисидаги масалалар юзасидан республика олий ва ўрта махсус таълим вазири Оқил Салимов, "Ўзбеккино" давлат-акционерлик компанияси раиси Темурмалик Юнусов, соғлиқни сақлаш вазири Шавкат Каримов ва бошқаларнинг ахборотлари тингланди.

1997 йилда Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий мажмуи таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Ҳукумат қарорларини бажаришда маълум натижаларга эришилди. Ижтимоий соҳада чуқур иқтисодий ислоҳотлари олиб бориш ўтган йилги ишларнинг устувор йўналиши бўлди. Инсон манфаатларини таъминлаш, кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш борасида муайян ишлар бажарилди.

Шу билан бирга, иқтисодий ислоҳотларни олиб боришда барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмади. Ижтимоий соҳалар бўйича белгиланган вазифалар талаб даражасида бажарилмади. Инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йилда амалга оширилиши режалаштирилган ишлар асосан бажарилган бўлса-да, айрим ижтимоий муҳим топшириқларни ҳаётга татбиқ этишда етарли даражада қатъият кўрсатилмади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни амалга ошириш республика комиссиясининг яқинда ўтказилган йиғилишида таъкидлаганидек, ёшларнинг ҳар томонлама баркамол, малакали мутахассис бўлиб етишишлари эртанги кунимиз учун, олиб бораётган ишларимизнинг муваффақияти учун ғоят муҳимдир. Бу келажагимизни хал қилувчи асосий мезон бўлиб ҳисобланади... Бунинг учун биринчи галда академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ташкил қилиш, уларнинг моддий базасини таъминлаш, замон талабларига жавоб берадиган ҳолда жиҳозлаш, шу ўқув юртларида дарс берадиган педагогларнинг малакаларини ошириш талаб этилади. Ўқув юртларида таълим сифатини ошириш, талабга жавоб берадиган янги дарсликлар, дастурлар тайёрлаш керак.

Мажлисда таъкидланганидек, "Ўзбеккино" давлат-акционерлик компанияси фаолиятида жиддий камчиликлар мавжуд. Компания ўтган йилда олтита бадиий фильм ишлаб чиқариши лозим эди. Бироқ кино мухлислари йил давомида бирорта ҳам фильмни кўришга муяссар бўлмади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида ҳам кун тартибидаги масалалар юзасидан бир қадар ишлар амалга оширилган бўлса-да, ўтган йили республикада эпидемиологик барқарорлик сақлаб қолинмади. Бу эса йил охирига келиб, турли юқумли касалликлар тарқалишига сабаб бўлди. Мамлакатимизда эпидемиология хизмати ишини яхшилаш, санитария назоратини кучайтириш, эл-юрт саломатлиги учун қайғуриш вазирлик олдида турган долзарб вазифадир.

Йиғилишда маънавият ва маърифатни янада ривожлантириш, ёшларни мустақиллик ғоялари, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш ғоят муҳимлигига эътибор қаратилди.

Мажлисда йўл қўйилган камчиликларни тезроқ бартараф этиш, белгиланган вазифаларни тўлақонли бажариш юзасидан вазирлик, қўмита, компания ва идоралар раҳбарларига аниқ топшириқлар берилди.

(ЎзА)

Муносабат

ҚИШЛОҚДА МУЛКДОРЛАР КЎПАЙСА...

МАМЛАКАТ ОБОД БЎЛАДИ

Мулкдорлик бу — изланувчанлик, яратувчанлик, комилликка узлуксиз интилиш демакдир. Эски собиқ тузумнинг иллати шу эдики, давлат бой бўлса ҳар бир оила, ҳар бир одам бой бўлади, деб ҳисобланар эди. Ваҳоланки, юртбошимиз қайта ва қайта таъкидлаганларидек, ҳар бир одам ўзига тўқ, мулкдор, бой бўлса давлат ҳам бой бўлади, ҳар бир оила обод бўлса, мамлакат ҳам обод бўлади. Мулкдор одам доимо яратувчанлик ҳақида ўйлайди, у юрт барқарорлигидан манфаатдор, юрти учун жон фидо қилишга доимо тайёр. Зеро, беқарорлик унинг мулкига хавф солади.

Яқин ўтмишимизга назар ташлайдиган бўлсак, собиқ шўро тузуми даврида инсонни шахсий ва ижтимоий манфаатлари йўлида тинимсиз ижодий изланишлар ва меҳнатга чорлаб турувчи мулкдорлик ҳисси онгли равишда йўқотилганлигини кўрамиз.

Тенг тақсимотчилик сиёсати туфайли ҳамма бирданига камбағалга айлантирилди. Бунинг оқибатида кишиларда аста-секин мулксизлик, эгасизлик, қашшоқликдан фахрланиш туйғуси шакллантирилди. Одамлар таржимаи ҳолида ишчи-деҳқон оиласида туғилганлик фахр саналадиган бўлди, ҳеч ким «мен мулкдорнинг боласиман», деб ёзмай қўйди.

Бунинг натижасида сохта *«умумхалқ мулки»* деган тушунча пайдо бўлди. Аслида эса сўзда мулкни инкор этган, мулксизлиги билан фахрланган ишчи ёки колхозчи имкон бўлди дегунча эгасиз қолган мулкни ўмаришга киришар эди. Заводда ишлаганлар тайёр деталлар, колхозда ишлаганлар нимаики қўлига илинса шуни уйига ташир эди. Ўз машинасини кўз қорачиғидай асраб-авайлаб минганлар колхоз техникасини шафқатсизларча ишлатишарди. Шундай қилиб эгасизлик, мулкка нисбатан нафрат ва ўғирлик каби хатарли, инсон ва унинг тараққиётига хос бўлмаган иллатлар келтириб чиқарилдики, бу билан кишилар тафаккури бўзиб юборилганди.

Хайриятки, мустақиллик бизга ўзлигимизни қайтарди. Халқимиз яна ўз мулкига хўжайинлик, мулкдорлик туйғусига қайта эга бўлди. Эндиликда жамиятимизда ҳақиқий мулкдорлар қанчалик кўп бўлса, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштирган, мамлакат тараққиётини таъминлаган бўламиз.

Бугунги кунда тадбиркорлик билан шуғулланиб, қишлоқда мўъжаз цех, фабрика, янги-янги иш жойларни очаётган ёки савдо, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил этиб, ***Ўзбекистонда янги авлод—мулкдорлар синфини*** яратаётган юртдошларимиз кўпайиб бормоқда.

Ислоҳотларнинг аввал бошиданоқ мамлакатимиз раҳбарияти қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратди. Ушбу соҳани тараққий эттиришга ёрдам берадиган ҳуқуқий шарт-шароитлар ва конституционал тузилмалар вужудга келтирилди.

Кўп тармоқли иқтисодиётни шакллантириш жараёни қишлоқ хўжалигида ҳам амалга оширилди. Бугунги кунда қишлоқда ердан фойдаланишнинг энг самарали шакллари қайта тикланмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Муносабат

ҚИШЛОҚДА МУЛКДОРЛАР КЎПАЙСА...

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президент Фармони билан миллионлаб қишлоқ оилаларига томорқа учун ер ажратиб берилди. Давлат хўжалиги ўрнига жамоа ва ижара хўжаликлари тузилди. Биргина чорвачилик фермаларини олсак, уларнинг 735 таси акционерлик жамиятига айлантирилди. 20 мингдан ортиқ мустақил деҳқон-фермер хўжаликлари барпо этилди.

Лекин шу билан бирга, қишлоқ хўжалигида баъзи жиддий муаммолар ҳанузгача ўз ечимини топгани йўқ. Бугунги куннинг энг катта муаммоларидан бири бу — қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорлигининг пастлигидир. Маълумотларга кўра, 1997 йилни 669 та қишлоқ хўжалик корхонаси қарийб 9,8 миллиард сўмга яқин зарар билан якунламоқда. Бу республикамизнинг 25 фоиз қишлоқ хўжалик корхонасини ташкил этади.

Ушбу ачинарли аҳволнинг асосий сабабларидан бири бу деҳқончилик маданияти ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг эскича ташкил этилишидир. Оддий қилиб айтадиган бўлсак, ҳали қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг янгича мукаммал механизми ишлаб чиқилмаган.

Қишлоқ хўжалигидаги бугунги аҳволни тўпланган жаҳон тажрибаси ва танқидий нуқтаи назардан таҳлил қилиб, иқтисодий ривожланган давлатлар тажрибаси билан таққослайдиган бўлсак, қуйидаги манзарани кўришимиз мумкин.

Маълумки, АҚШ, Япония, Франция, Буюк Британия ва бошқа иқтисодий тараққий этган мамлакатларда қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар улуши меҳнатга яроқли аҳолининг 5-7 фоизидан ортмайди. Бизда эса бу кўрсаткич 40 фоиздан ортиқдир.

Шу билан бирга бу давлатларда қишлоқ хўжалиги мамлакат миллий бойлигини шакллантиришда ва ишлаб чиқариш ҳамда аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашда асосий ўрин тутибгина қолмай, экспортнинг, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотларини экспорт қилишнинг энг муҳим қисми ҳисобланади.

Амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлардан мақсадимиз — бозор муносабатларини жорий этиб, пировард мақсад юртимизни жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига, шу юртда яшаётган халқимиз турмуш шароитини яхшилаш экан, бунда энг аввало, миллий иқтисодиётимизда бозор муносабатларининг асосий талабларидан бири бўлган рақобат муҳитини яратишимиз керак. Хўжалик юритишнинг шундай шаклларини жорий этишимиз керакки, у азалдан бизда ерга бўлган мулкчилик шакллари билан уйғунлашиши, мос келиши керак.

Ўзбекистон Олий Мажлисининг X сессиясида ҳам Президентимиз қишлоқ хўжалигидаги бугунги аҳволни таҳлил эта туриб, **мулк муносабатларини ва шу асосда меҳнатни ташкил этишни тубдан ўзгартириш зарурлигини** қатъий уқтирдилар. Бунда асосий эътибор — қишлоқда пайчилик муносабатларини ривожлантиришга қаратилиши керакли-гига таъкидланди.

Хўш, пайнинг ўзи нима? Биз уни қандай тушунамиз? **Мулкий пай, бу** — хўжалик аъзосининг яратилган умумий мулкдаги ўзининг улушига мос келадиган пул ифодасидаги ҳиссасидир.

Бундан ташқари хўжаликнинг ер майдони ҳам баҳоланади ва ундан хўжалик ҳар бир аъзосининг улуши аниқланади. Бу **ер пайи** дейилади. Бироқ ер пайи ерни сотиш ёки сотиб олиш ҳуқуқини бермайди, балки ерга эгаликни кафолатлайди, холос.

Пайчилик хўжаликлари ихтиёрий асосда тузилади. Пай эгаси жамоага киришни хоҳламаса, ўз пайини жамоанинг бошқа аъзосига сотиши мумкин.

Давлат билан пайчилик хўжалиги ўртасидаги муносабат солиқлар орқали тартибга солинади. Пайчилик хўжалиги билан аҳоли ўртасидаги, яъни шу хўжаликда яшовчилар ўртасидаги муносабат қандай амалга оширилади?

Бунда пайчилик хўжалиги ичида ишлаб чиқаришни ташкил этиш **ижара шаклида** ёки **оилавий пудрат шаклида** бўлиши мумкин. Ижара шаклида бўлганда ижарачилар билан пайчилик хўжалиги ўртасидаги муносабат ижара ҳақи шаклида бўлади.

Авваламбор, ҳар бир хўжаликнинг **бизнес-режаси,** яъни **узоқ муддат (3,5,10 йиллар)га асосланган ишлаб чиқариш дастури** бўлиши керак. Хўжаликнинг қанча гектар ерига пахта экилади, қанчасига ғалла, қанчасига шоли, мева-сабзавот экилади, қанча гўшт ва сут етиштирилади, буларнинг ҳаммаси бизнес-режада белгиланиб, кўрсатилиши шарт.

Хўжаликларнинг бизнес-режаси аввало умумдавлат, умуммиллат манфаатидан, шу минтақанинг маҳаллий, табиий шароитидан, қолаверса, шу ерда яшовчи халқ манфаатидан келиб чиққан ҳолда тузилиши керак. Бизнес-режа қишлоқ хўжалиги мутахассислари томонидан маркетинг хизмати, менежмент, шу ерда етиштириладиган маҳсулотга бўлган бозор талаби, экспорт имкониятларини ҳисобга олган ҳолда тузилиши керак.

Шунингдек, ушбу бизнес-режада ернинг мелиоратив ҳолати, алмашлаб экиш, экиладиган экин навлари, уларни серҳосил навлар билан янгилаб туриш ва шунга ўхшаш тадбирлар ўз аксини топиши керак.

Пайчилик хўжалиги билан ижарачилар ўртасида тузиладиган шартнома аввало, шу хўжаликнинг бизнес-режаси асосида тузилган бўлиб, унда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс этиши керак. Шартнома ҳуқуқий ҳужжат бўлгани ҳамда амалдаги қонунларга биноан тузилишини ҳисобга олсак, демак, у қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилиши лозим.

Бугунги кунда жойлардаги раҳбарлар, айниқса, қишлоқ хўжалигида шартномаларнинг моҳиятини, аҳамиятини тўла тушуниб етишяптими? Бу саволга баралла «ҳа» деб жавоб бериш қийин. Чунки бизда кўпгина вилоятларда ҳанузгача шартномалар мазмун-моҳиятига кўра хўжакўрсинга тузилаётган ҳоллар ҳали ҳам учраб турибди. Хусусан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари контрактация шартномалари тузишнинг аҳволи ўрганиб чиқилганда корхоналарнинг шартнома тузиш фаолиятида бир қанча камчилик ва тушунмовчиликларга йўл қўйилганининг гувоҳи бўласиз. Қатор контрактация шартномаларида хўжаликлар ҳуқуқлари бузилган, мажбуриятлар ўзаро номувофиқ, маҳсулот миқдори, нархи, уни қабул қилиш графиги ва муддатлари белгиланмаган.

Айрим шартномаларда эса томонларнинг имзоси, муҳри қўйилмаган, манзили аниқ кўрсатилмаган. Гарчи республика қонунчилигида мажбурий қилиб белгиланган бўлса-да, айрим шартномалар маҳсулот тайёрлаш ва унинг сифати бўйича давлат инспекциясидан назоратдан ўтмаган. Бунинг асосий сабабларидан бири — контрактация шартномаларининг эътиборсизлик билан ҳуқуқий томондан нотўғри тузилаётгани ҳамда жойлардаги хўжалик раҳбарлари ва ходимларнинг ўз ҳуқуқларини етарли даражада билмаслиги натижасидир.

Куни кеча матбуотда умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг Ер Кодекси»** лойиҳасида, **«Ер — умуммиллий бойлиқдир, Ўзбекистон Республикаси халқи ҳаёти, фаолияти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарур ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади»,** деб эътироф этилган. Ушбу лойиҳанинг 24-моддасида ёзилишича, ер участкасининг ижараси ер участкасига ижара шартномаси шартларида муддатли, ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланишдан иборатдир. Бунда ижарага берилган ер участкаси ёки унинг бир қисмини иккиламчи ижарага бериш таъқиқланади ва ижарага берилган ер участкалари олди-сотди, гаров, ҳадя, айирбошлаш объекти ҳам бўлиши мумкин эмас.

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлар эллик йилгача бўлган, бироқ ўн йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилиши кўзда тутилмоқдаки, бу ерни ардоқлаган инсонлар учун катта имкониятдир.

Ушбу Кодекс лойиҳасида, шунингдек, ер участкаларига бўлган ҳуқуқни тугатиш тартиблари ҳам белгиланган. Бу тартиблар ер участкасидан оқилона фойдаланилмаганда, шунинг оқибатида ҳосилдорлик даражаси беш йил мобайнида нормативдан паст бўлганда, тупроқ унумдорлиги пасайганда, яъни ернинг кимёвий ва радиоактив зарарланишига олиб келадиган усуллардан фойдаланилганда, қонун ҳужжатларида, шартномаларда белгиланган муддатларда ер солиғи ва ижара ҳақи тўланмаганда, қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун бериб қўйилган ер участкасидан бир йил давомида фойдаланилмаганда ва бошқа ҳолларда амалга оширилади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ижарачиларга ернинг **танлов (конкурс) асосида берилиши** мақсадга мувофиқдир. Чунки ўтган йиллар тажрибаси, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жуда кўп ер майдонлари экилмай қолиб кетмоқда ёки зарур агротехник тадбирларни ўз вақтида бажармаслик оқибатида ернинг мелиоратив ҳолати ёмонлашмоқда. Бунинг натижасида ернинг ишдан чиқиш ҳоллари вужудга келяпти.

Яна бир масала. Хўжалик юритишнинг у ёки бу шаклига ўтишда, эскича иш услубларидан фарқли ўлароқ, ҳар бир хўжаликка алоҳида ёндашиш зарур. Оила пудрати республикамизнинг аҳоли зич жойлашган минтақаларида қўлланилса, аҳоли сийрак жойлашган минтақаларда эса пайчилик хўжалиги ичида ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ижара шаклини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Хўжалик юритишнинг шаклларини ўзгартириш табиий жараён бўлиб, буни шошмашошарлик, ҳисобот учун амалга оширишга йўл қўйиб бўлмайди.

Кўзда тутилаётган ислоҳотларни ўтказиш жараёнида аҳолининг қишлоқ хўжалигидан бўшаган қисмини шу етиштириладиган маҳсулотларни қайта ишлашга, иқтисодиётимизда бугун бутунлай янги бўлган автомобилсозлик, нефть-кимё, машинасозлик ва радиотехника саноати каби соҳаларга жалб этиш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича бугунги кунда амалга оширилаётган барча саъй-ҳаракатлар моҳиятан Ўзбекистонни иқтисодий ривожлантиришга, халқнинг фаровонлигини оширишига қаратилгандир. Қишлоқни юксалтирмасдан, уни туб ўзгартирмасдан туриб, мамлакат ободлигини таъминлаб бўлмайди. Буни қанчалик тез англасак, шунчалик тез кўзланган улуғ мақсадларга эришамиз.

Азимжон ЖЎРАЕВ,
иқтисодий шарҳловчи.

Оғриқли нуқталар

БЎЗЧИ БЕЛБОҚҚА ЁЛЧИМАС...

ЧИРОҚЧИ ТУМАНИДА ГАЗЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ТЎЛИҚ ФОЙДАЛАНИЛМАЁТИР



Мустақиллик йилларида шаҳар ва қишлоқларга ёқилғи манбаларини тортиб бориш соҳасида улкан юмушлар бажарилди, юзлаб аҳоли истиқомат жойларида газ қувурлари ётқизилди. Лекин, негадир, вилоятнинг Чироқчи туманида бу соҳадаги ишлар бир жойда депсиниб қолаверди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлиснинг X сессиясида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек: **«Қашқадарё вилояти мамлакатимизни 96 фоиз табиий газ билан таъминлагани ҳолда Чироқчи тумани бор-йўғи 9,9 фоиз газлаштирилганини қандай изоҳлаш мумкин?»**

Асли туманга табиий газ келтирилганига бир неча йил бўлди. Шу давр мобайнида қўшни туманларнинг марказлари тўлиқ газлаштирилди, қишлоқларнинг эса 55-60 фоизига қувурлар тортиб борилди. Чироқчида эса ҳатто туман марказида ҳам табиий газдан баҳраманд бўла олмаётган хонадонлар анчагинани ташкил этади.

Туманда 134 та катта-кичик қишлоқ бўлиб, 224 минг аҳоли истиқомат қилади. Тупроғига таёқ суқса, дарахт кўкаради. Ери тоза, суви ширин. Мамлакатимизнинг очилмаган хазиналаридан бири. Ҳам дашт, ҳам тоғолди адирликларини ўзлаштириш, боғ-роғларга, экинзорларга айлантириш учун катта имкониятлар мавжуд.

Лекин... Туман раҳбарлари тантаналарда айтадиган маърузаларида Чироқчи шаҳрига туташиб кетган «Пахтакор» жамоа хўжалигида газлаштириш намунали йўлга қўйилганлигини қайта-қайта таъкидлашни хуш кўришади. Бу ерда амалга оширилаётган ишлар мамнуният билан қайд этилади. Бироқ мақталган хўжаликда газ қувурлари эндигина 3,2 километрга етди. Бор-йўғи 23 фоиз аҳоли «зангори олов»дан баҳраманд бўлаётир.

Шаҳарга туташ яна бир хўжалик — Охунбобоев номли жамоа хўжалигига ҳам қувурлар тортиш бошланган эди. Жамоа хўжалигининг кучи, аҳолининг саъй-ҳаракати билан Дам қишлоғи газлаштирилди. Қолган жойларда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар эса қоғозда қолиб кетди.

Салим Жўраев номли, «Зарбдор», «Соҳибкор», «Меҳнатобод», Ҳамид Олимжон номли, «Ўзбекистон» жамоа хўжаликлари ҳам туман марказидан унчалик узоқ эмас. Аммо, негадир, турли баҳоналар билан ушбу хўжаликларга газ ўтказиш пайсалга солинмоқда.

— Ҳар йили «Қашқадарёвилоятгаз» бошқармаси,вилоят ҳудудий коммуналфойдаланиш бирлашмаси, қурилиш-тиклаш ташкилотлари билан қайси қишлоққа газ ўтказиш, маблағлар ажратиш, қувурлар топиш масаласида маслаҳат йиғилишлари бўлиб ўтади, — дейди Чироқчи тумани ҳокимининг ўринбосари Искандар Абдуғаффоров. — Ана шу йиғилишларда бир йилга мўлжалланган вазифалар белгилаб олинади, аҳдлашувларга қўл қўйилади, режалар тасдиқланади. Лекин шартнома шартномалигича қолиб кетаверади. Ҳатто давлат томонидан газлаштириш учун ажратилган маблағлар ҳам ўзлаштирилмай қолаётир. 1990 йилдан буён туманда газлаштириш ишларини жонлаштириш учун бюджетдан ажратилган қарийб 50 миллион сўм ҳам изсиз кетди.

Туман газ таъминоти ва газлаштириш идорасининг бош муҳандиси Иброҳим Шукуров қарийб 20 йилдан буён шу ташкилотда меҳнат қилади. Унинг айтишича, бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг ўзлаштирилмай қолаётганлигига сабаб — раҳбарларнинг лоқайдлиги. Хусусан, туман ҳокими Мустафо Темиров пахта, ғалла етиштириш режаларини сўраб-суриштиришни билади, холос. Аҳоли учун қулайлик яратиш, газлаштиришнинг қай тарзда бораётгани билан мутлақо қизиқмайди. Акс ҳолда, ҳар йили туман хўжаликларига бир километрдан газ қувурлари тортилган тақдирда ҳам, 1990 йилдан буён 100 километрдан зиёд масофага арзон ва қулай ёнилғи етиб борган бўларди. Афсуски, қурилиш ташкилотлари мутасаддилари билан ҳамкорлик йўлга қўйилмаётганлиги натижасида давлат томонидан ажратилаётган маблағлар ҳам фойда бермаяпти. Ваҳоланки, бу ерда хўжалик ва ташкилотларнинг маблағлари билан ҳам газлаштиришни жадаллаштириб юбориш имкониятлари бор. Ҳатто қишлоқлар аҳолиси ҳам баҳоли қудрат ёрдамга тайёр. Ҳамма гап ана шу имкониятларни бирлаштириб, йўналтириб боришда. Лекин, афсуски, Чироқчида бу муҳим иш эътибордан четда қолаяпти.

П. ГАДОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 27 январдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:/*

1 Австралия доллари	54,65
1 Австрия шиллинги	6,49
1 Англия фунт стерлинги	136,78
10 Бельгия франки	22,20
1 Голландия гульдени	41,18
10 Греция драхмаси	2,87
1 Дания кронаси	12,00
1 БАА дирхами	22,14
1 АҚШ доллари	81,32
1 Миср фунти	23,85
1 Ирландия фунти	116,12
1 Исландия кронаси	1,13
10 Испания песети	5,40
100 Италия лираси	4,69
1 Канада доллари	56,12
1 Хитой юани	9,82
1 Қувайт динори	267,50
100 Ливан фунти	5,33
1 Малайзия ринггити	18,06
1 Германия маркаси	46,41
1 Норвегия кронаси	11,14
1 Польша злотийси	23,32
10 Португалия эскудоси	4,55
1 Сингапур доллари	46,44
1000 Туркия лираси	0,38
1 Финляндия маркаси	15,35
1 Франция франки	13,86
1 Швеция кронаси	10,35
1 Швейцария франки	57,11
1 ЭКЮ	90,06
10 Жанубий Корея вони	0,49
10 Япония иенаси	6,50
1 Россия рубли	13,51
1 Украина гривнаси	42,53
1000 Беларусь рубли	2,59
1 Эстония кронаси	5,80
1 Латвия лати	136,21
1 Литва лити	20,33
1 Қозоғистон тенгеси	1,06
1 Қирғизистон соми	4,56

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

Тахиатошдаги дон комбинатига сафарга борган фотомухбиримиз Тўлқин Каримов ҳайратланиб қайтди: комбинатда ишлаб чиқариш режалари мунтазам бажарилаётганлиги билан бир қаторда ҳудуднинг ораслиги, ишчиларни рағбатлантириш яхши йўлга қўйилганлиги ҳам киши кўнглига оройиш бахш этади.

Сиз суратда кўриб турган Бўтакўзойим Абдумуротова ҳам ана шундай тўкис жамоанинг тинибтинчимас ишчиларидан биридир.

ХАРИДОР МАМНУН

Навоий кон-металлургия комбинатига қарашли "Агама" давлат трикотаж фирмасида сунъий тола, пахта ва жундан тўқилаётган трикотаж кийим-кечаклар харидорларга ғоят манзур бўлмоқда. Юз нафар хотин-қиз меҳнат қилаётган бу корхонада 80 турдаги маҳсулот чиқарилмоқда.

"Агама" жамоаси йил бошиданоқ буюмларнинг янги моделларини жорий этишга киришди.

Ёрқул УМАР,
ЎзА мухбири.

ҚАРОР ВА ИЖРО

ОДДИЙ ЭМИССИЯ АРИФМЕТИКАСИ

Ёки банкдан олинган ҳар бир сўмнинг икки сўм бўлиб хазинага қайтиши хусусида

Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йилда нақд пул эмиссиясини қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги карори Жиззах вилоятида қандай бажарилди? Ушбу саволга бир сўз билан лўнда қилиб жавоб бериш қийин. Негаки, бу соҳада пул-кредит комиссияси бир қатор ибратли ишларни бажарган бўлса-да, айрим туман ҳокимликлари, молия ва солиқ бошқармалари, банк, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари давлат сиёсати даражасидаги ана шу тадбирга унчалик аҳамият бермадилар.

Шунга қарамасдан, бутун банкдан муомалага чиқарилган нақд пулларни тезроқ қайта кирим қилиш мақсадида вилоятда пуллик хизмат турлари кўпайтирилди. Туман марказларида озиқ-овқат, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари расталари ташкил этилди. Амалий санъат, халқ ҳунармандчилиги кўргазмалари очилди. «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси автомобиллари маҳаллий матбуот ва телевидение орқали кенг реклама қилинди. Жойларда автосалонлар очилди. Ана шу тадбирлар натижасида ўтган йили ўн бир ой мобайнида касса режаси 3 миллиард 410 миллион сўмга, ёки 116,2 фоизга бажарилиб, эмиссия бир фоиздан зиёдроққа камайтирилди.

Лекин баъзи туманларда нақд пул эмиссиясини камайтириш имкониятлари тўлиқ ишга солинмади. Масалан, ноябрь ойида вилоят бўйича эмиссия улуши 9,5 фоизга камайгани ҳолда, Зарбдор туманида 6,4, Пахтакорда 13,4 фоизга ошиб кетди. Арнасой, Дўстлик, Зомин, Мирзачўл, Зафаробод туманларида ҳам шундай ҳолат кузатилди. Оқибатда касса режасининг чиқим қисми беш фоизга ортди. Бунга сабаб чўл ҳудудидаги мазкур туманларга пахта йиғим-терими даврида Фарғона ва Наманган вилоятларидан ҳашарчилар жалб этилганлигидир. Пахтакор ва Зарбдор туманларида ҳашарчиларга 9-10 миллион сўмдан иш ҳақи берилгани ҳолда, ҳокимликлар бу нақд пулни банкка қайтариш юзасидан ўз вақтида зарур чоралар кўрмадилар.

Шу сабабларга кўра, иккала туман ҳокими огоҳлантирилди, уларнинг иқтисодиёт масалалари бўйича ўринбосарларига эса ҳайфсан берилиб, жаримага тортилди. Бу ҳол яна такрорланадиган бўлса, улар вазифаларидан озод этилиши кўрсатиб ўтилди. Пул-кредит сиёсати бўйича республика комиссияси хулосасига биноан эса, Зомин тумани ҳокимининг ўринбосари А. Таниқулов эгаллаб турган вазифасидан бўшатилди.

Хўш, бу билан иш ўзгардими? Йўқ. Айниқса, савдо ташкилотлари ишида силжиш сезилмаяпти. Аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган саккиз хил маҳсулот миқдори камайиб кетган. Дўконларни бошқа турдаги озиқ-овқат, кийим-кечак билан тўлдиришга ҳам иккинчи даражали иш сифатида қаралмоқда. Ваҳоланки, уларга нақд пул тушуми миқдорини кўпайтирадилар деб, 95 миллион сўм банк кредитлари берилганди. Иш оқилона ташкил этилмаганидан, дўконларни саноат моллари билан таъминлашда ҳиссадорлик жамиятлари хусусий тижоратчилар рақобатига бардош беролмаяпти. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги аҳволдан ҳам кўнгил тўлмайди. Ҳанузгача 1971 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси пул тушумини давлат хазинасига топширмай, чўнтакка уряпти. Чунки улар на солиқ идораси рўйхатидан ўтган, на рухсатнома олган.

Назорат етарли даражада эмаслиги туфайли транспорт хизматида ҳам тартибсизликларга йўл қўйиляпти. Ижара ҳақи билан ташкилотларга хизмат кўрсатиш учун белгиланган ҳақ ўртасида катта тафовут мавжуд. Бир мисол. 2517 - автокорхона маъмурияти ташкилотларга берилган транспорт воситалари учун ойига 154 минг сўм талаб қилгани ҳолда, жисмоний шахсларга ижарага берилган автомобиллар учун бор-йўғи саккиз минг сўм олаяпти. Ёки 20-автобус паркида ўтган йиллардагига нисбатан ҳар куни хазинага олтмиш беш минг сўм кам хизмат ҳақи тушаётганини қандай изоҳлаш мумкин?

Айрим ташкилот, корхона, хўжаликларнинг раҳбарлари эса ўзибилармончилик қилиб хазина интизомини бузаётирлар. Хусусан, Зарбдор туманидаги Й. Қурбонов номли ижара-ширкатлар бирлашмасида аҳолига пуллик хизмат кўрсатишдан тушган маблағ кирим қилинмасдан, хўжаликнинг ички эҳтиёжлари учун ишлатиб юборилган. Мирзачўл туманидаги «Ўзбекистон» хўжалигида сентябрь ойида сабзавот-полиз маҳсулотларини сотишдан олинган даромад — 149 минг сўм, Фориш туманидаги 111-автокорхонада июль, октябрь ойларида ўттиз икки минг сўмлик тушум ҳам бошқа мақсадларга сарфланган.

Мана шу камчиликларнинг ўзиёқ вилоятда аҳоли қўлидаги нақд пулни банк хазиналарига қайтаришга жиддий эътибор берилмаётганлигини кўрсатади. Бугун нақд пул эмиссияси билан шуғулланаётган мутасаддилар дўппини олиб қўйиб, камчиликларни бартараф этиш, хазинага қўшимча маблағларни қайтаришнинг мақбул йўлларини қидирмасалар, 1998 йилда ҳам панд еб қолишлари ҳеч гап эмас.

Ҳайитбой НАБИРАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МУЛК ЭГАСИНИ ТОПДИ

Ромитан туманидаги "Халқобод" жамоа хўжалиги 1996 йилни 32 миллион сўм зарар билан якунлаган эди. Пахта, ғалла тайёрлаш режалари бажарилмади, чорвачилик ҳам рентабелли эмасди.

Вужудга келган аҳволни ўнглаб олиш чораларини излаган хўжалик раҳбарияти хўжаликни ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятига айлантиришга қарор қилди. Шу тариқа 57,2 миллион сўм устав фондига эга бўлган "Халқобод" ёпиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти тузилди. Мазкур фонд жамоанинг ҳар бир аъзосига, шу жумладан жамоада ишлаб нафақага чиққанларга ҳам мулк сифатида тақсимлаб берилди. Бу эса деҳқонларда мулкка эгалик ҳиссини уйғотди, уларнинг ўз меҳнат натижаларидан манфаатдорлигини оширди. Натижада ҳосил мўл бўлди. Гектар бошига ўртача 43 центнердан пахта, 44 центнердан ғалла етиштирилди. Чорвачилик ҳам уч миллион сўмдан кўпроқ фойда келтирди.

Ўтган йил натижалари сарҳисоб қилинганда, жамиятнинг соф даромади 5,2 миллион сўмни ташкил этди. Бу маблағнинг 3,6 миллион сўми дивиденд тариқасида тарқатилади. Ҳар бир аъзонинг йиллик даромади эллик минг сўмни ташкил этади.

Иляҳом САФАР,
ЎзА мухбири.

ОҚИБАТЛИ ОДАМЛАР

АҲИЛЛИККА КЎЗ ТЕГМАСИН

Қишлоғимизда бир момо яшарди. Бечораҳол. Ёлғизгина ўғлини уйлантиришгаям қурби келмасди шекилли, келин тушириш орзуси бўлса-да, ҳолига қараб йилларни ўтказиб юборарди. Ўғли тенгилар бир-икки фарзандли бўлишганда, ҳамқишлоқлари «тил»га киришди.

— Турсунбойни ҳашар қилиб уйлантириб қўймасак бўлмайди. Ҳамма топганини олиб келсин.

Кўмак беришни исташсада, момонинг кўнглига келадими, деб истиҳола қилиб юрганлар кўп экан. Оқсоқолнинг гапини ким ҳам икки қилади. Момо ҳам бошини эгди.

Бунақа тўйни қишлоқдошлар ҳали кўришмаганди. Бир чиройли тўй бўлди. Камкўстсиз. Кўпники баракали бўлади-да. Ҳамма нарса бадастир. Шунда хаёлимга келган гапни отамга айтиб юборибман.

— Момо одамлардан шунча қарзни қандай қилиб қутилади?

— Болам, янглиш гапни сўзламагин, ҳашарда пул тилга олинмайди. Фаҳминг етмаса, гапириб нима қиласан...

... Йиллар ўтса-да, ўша воқеани унутолмайман. Ўша тўй бойс «ҳашар» сўзи кўнглимга ёруғлик келтиради. Ҳашар сўзи билан яхшилик ва шодлик ёнма-ён юришини эслатади. Кўнгли тинч, кайфияти яхши инсонларнингина ҳашарга ҳоли бўлади.

Кейинги пайтларда катта-катта йиғинларда «қўшработликларнинг ташаббуси, ҳашар билан қурилган бинолар» деган гаплар тез-тез такрорланаётгани кишининг кўнглига ёруғлик солади. Қишлоқларда ҳалиям аҳиллик боис, катта-катта юмушлар уддаланаётганлигига мисол бўлади бу ҳолат.

Ҳазил гап эмас-да, бу. Ахир, ҳозирги иқтисодий қийин бир даврда битта чоғроқ иморат қуришнинг ўзи бўладими? Ҳалиям қишлоқларда пойдевор, девор уриш, том устини ёпиш, суваш ишлари ҳашарда битказилади. Устани боқиш, пардоз ишларини-ку, айтмаса ҳам бўлаверади. Лекин иморат битказилиб, ҳашарда қатнашганларга янги уйда, қора қозонда пишган паловни сузгандаёқ ҳамма ташвишлар, қийинчиликлар эсдан чиқади.

Қўшработда эса ҳашардан сал бошқачароқ усулда фойдаланишди. Ҳовли — иморат эмас, бир йўла 10 та қишлоқ врачлик марказлари ҳашар йўли билан қуриб битказилди. 10 та! Бу дегани ўнта қишлоқ аҳолиси ўз врачлик марказларига, тиббий муолажа хоналарига эга бўлишди.

1997 йилнинг бошида Қўшработ тумани ҳокимиятида қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш дастури туманда қандай бажарилаётганлиги масаласи муҳокама қилинди. Аҳвол жиддий таҳлил этилиб, ишнинг боришига танқидий баҳо берилди.

Қўшработ — тоғли туман. Қишлоқлар тарқоқ ҳолда жойлашган. Бундан анча йиллар аввал қишлоқларда шифокорлик марказлари қуриш ҳақида айрим лойиҳалар тайёрланган, лекин иш охирига етказилмаганди. Аммо одамлар бинонинг битказилишини умид билан кутишаётганди. Режага кўра, Тегирмоновул қишлоғида битта қишлоқ врачлик маркази янгидан ишга туширилиши, иккитаси қайта таъмирдан чиқарилиши кўзда тутилганди. Лекин маблағ... Жойларда одамлар билан учрашувлар ўтказилди. Оқсоқолларга маслаҳат солинди. Пойдевор солиш, деворларни кўтариш, бино ичини суваш ва пардозлаш ишларини халқ ҳам уддалаши назарга олинди. Қарабсизки, одамлар ҳашарга чиқди.

Тоғ одамлари қайсар бўлишади-да. Қўшни Қовунча, Оқтепа, Сарой, Канада, Боқи каби қишлоқларда ҳар хил гаплар пайдо бўлди.

— Нима, биз ҳам ўшандай биноларни қуролмаймизми, ҳашар бизнинг ҳам қўлимиздан келади...

Одамлар бир қалқди. Нон-туз шу ерга кўчирилди. Гап-гаштаклар ҳашар билан қўшилиб кетди. Ҳар бир хўжалик ҳашарчилар учун техника воситаси ажратди. Пойдевор учун тоғдан тош келтирилди — текингина. Ғишт қолип билан қўлда қуйилди — қишлоқ йигитлари бу ишни болаликдан уддалашади. Девор кўтариш ҳам муаммо эмас — пахса урилди. Яна тупроқ ёрдамга келди. Ажойиб-а, инсонни ҳар доим шу тупроқ, замин қўллайди.

Мустақиллигимизнинг 6 йиллиги байрамига қадар туманда 5 та қишлоқ врачлик марказлари фойдаланишга топширилди. Уларга 3 миллион сўмлик қаттиқ ва юмшоқ мебеллар, тиббиёт асбоб-ускуналари келтирилди.

— Ҳозирги кунда Қовунчи қишлоқ врачлик маркази 10 та қишлоқ ва чорва отарларидаги 3,5 мингдан кўпроқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда, — дейди бош ҳаким И. Аркаев. — Шифохонада беморлар учун барча шароитлар бор.

Врачлик марказларининг ҳаммаси бир хил лойиҳа асосида қад ростлаган. Ҳар бири катта-кичик 13 хонадан иборат. Пардозлаш ва бўяш ишларини халқ усталари бажаришган.

Нурилло Отамуродовнинг айтишича, одамлар ҳашарни соғиниб қолишган экан. 400 дан зиёд хўжалик ўз имкониятларига қараб маблағ йиғиб берди. Кунига 30 нафар уста ишлаб турган. Иссиқ овқатни қишлоқ келинлари тайёрлашган. Одамлар 30-40 километрлаб йўл босиб, хўжалик марказига қатнаш азобидан қутилишди. Эшигингнинг ёнида шифохона бўлишига нима етсин. Қолаверса, усталарнинг кимлигини халқ билди. Ҳамма ўз қўлидан келган ҳунарини ишга солди.

Уста Зоир бошлиқ ишчиларга шифохона фойдаланишга топширилган куни раҳбарлар ҳам, оддий халқ ҳам раҳмат айтишди.

Халқ ҳашарига отланганларнинг саноғига етиш қийин. Улар энди бунинг ҳадисини олишди. Энди мактаблар, боғчалар ва бошқа биноларни қуришни ҳам уддасидан чиқа олишлигини айтишмоқда. «Қишлоқ сийлаганни халқ сийлайди». Хўжалик марказларида қад ростлаётган «Маънавият ва маърифат» марказлари ҳам қўшработликларга халқ ҳашаридан эсдалик бўлиб қолади.

Қўшработликларнинг халқ ҳашари бошқа қишлоқларга ҳам «меҳмон» бўлиб кириб боришини, мезбонлар яхши кутиб олишларини истаймиз. Зеро, бу меҳмондорчиликнинг ортида авлодларга мерос бўлиб қоладиган бинолар қад ростлайди.

— Ҳорманг, ҳашарчилар! Қўлларингиз дард кўрмасин.

Гули ЧЕҲРА,
«Халқ сўзи» мухбири.
С. ЖУМАҚУЛОВ,
журналист.

БУГУН — ХАЛҚАРО БОЖХОНАЧИЛАР КУНИ

ҲАМКОРЛИК кенгаймоқда

Мамлакатимиз ҳар томонлама жаҳон ҳамжамияти сари кириб бормоқда. Халқаро кузатувчи ва мутахассислар янги ташкил этилган мустақил республикалар орасидан Ўзбекистонни ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан энг барқарор давлатлардан бири сифатида эътироф этмоқдалар.

Хусусан, Ўзбекистон барча соҳалардаги каби божхона ишида ҳам дунё мамлакатлари билан тенг ҳамкорликни ўрнатган. Республикамиз 1992 йилнинг ёзида Жаҳон божхона ҳамкорлик кенгашини таъсис этувчи конвенцияга қўшилди. Ана шу даврдан буён Ўзбекистон божхона сиёсатини Жаҳон божхона ташкилоти (ЖБТ) билан мустаҳкам алоқа ўрнатган ҳолда олиб бораётир.

Мазкур ҳукуматлараро халқаро ташкилот ўз олдига дунё мамлакатларидаги божхона иши борасидаги дастурларни ишлаб чиқиш, шу жумладан, товарларнинг келиб чиқишини аниқлаш йўлларини, бир сўз билан айтганда, маҳсулотларнинг бир давлатдан иккинчисига ўтишини осонлаштириш, ҳар бир мамлакат божхоначиси ўқий оладиган ҳужжатлаштириш тизимини юзага келтириш билан боғлиқ масалаларни бош мақсад этиб қўйган.

Зеро, асримизнинг эллигинчи йилларида асоси ташкил этилган ушбу халқаро ташкилот замон шиддати, экспорт ва импорт қувватининг ҳаддан зиёд тараққиёт этгани боис вужудга келган эди. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида товарнинг бир мамлакатдан иккинчисига тез суръатларда божхона кўригидан ўтиб, эркин ҳаракатини йўлга қўйиш ўта муҳимдир. Жаҳон савдо тизимида барча давлат божхоначилари учун қулай бўлган товарларни кодлашнинг ягона усулини жорий қилиш орқали мамлакатлар ўртасидаги эркин савдо-сотиқни ривожлантириш бугунги куннинг талабидир.

Бугунги кунда Ўзбекистон халқаро савдо ташкилоти (ГААТ)га кузатувчи сифатида қатнашмоқда. Яқин орада эса мазкур нуфузли ташкилотга аъзо бўлиши кутилмоқда. Шу жиҳатдан ҳам ЖБТ билан алоқаларимиз маълум маънода мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкилоти орқали интеграциялашувига хизмат қилади.

Ўзбекистон ЖБТ билан алоқани йўлга қўйганлигига беш йилдан сал ошиқ вақт ўтди. Қисқа фурсат бўлишига қарамай, бу алоқалар тобора кенг ривожланмоқда. ЖБТга 142 мамлакат аъзо. Ўзбекистон 1995-97 йиллар мобайнида халқаро ташкилотнинг раҳбар ва бошқарув органи ҳисобланган сиёсий комиссия аъзоси сифатида фаолият юргизди. Ушбу комиссияга 24 мамлакаттина аъзодир. Сиёсий комиссия халқаро божхона сиёсати ва йўналишини ишлаб чиқиш масалалари билан шуғулланади. ЖБТнинг шундай бошқарув идораси таркибида бўлганлигини эса жаҳон мамлакатларининг Ўзбекистонга эҳтироми, ҳурмати сифатида таъкидламоқ жоиз.

Ёдингизда бўлса, ўтган йилнинг баҳорида Жаҳон божхона ташкилотининг бош котиби Жеймс Шавер мамлакатимизга ташриф буюрган, республикамиз Президенти Ислом Каримов билан учрашган, божхона иши ва мажмуаси билан танишган эди.

«Мустақилликни қўлга киритганимиздан сўнг, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини асосий вазифалардан бири этиб белгиладик. Бу борада жаҳон божхона ташкилотининг республикамизга кўрсатаётган ёрдами, хусусан, Ўзбекистон божхона хизмати фаолиятининг қонуний асосларини ишлаб чиқишдаги кўмаги диққатга сазовордир», деган эди Ислом Каримов Жеймс Шаверни қабул қилиш маросимида.

ЖБТ бош котиби мамлакатимизга ташрифи давомида биз журналистлар унинг қандай мақсадда келгани билан қизиққан эдик.

— Мен Ўзбекистон ҳақида ижобий фикрлар эшитган эдим. Шу билан бирга мамлакатингиз божхона ишидаги ислоҳотлар хусусида ҳам бирмунча хабардор эдим. 1996 йилнинг сентябрида Буюк Британиянинг «Би-би-си» телерадиокомпанияси тайёрлаган Ўзбекистон божхоначилари фаолияти ҳақидаги ҳужжатли фильмни тасодифан кўриб қолдим. Фильмда мамлакатингизнинг наркобизнес ва контрабандага қарши кураши тасвирланган экан. Уни томоша қилар эканман, Ўзбекистон раҳбариятининг бу «оқ ажал»га қарши кескин сиёсатига тан бердим. Шундан сўнг менда Ўзбекистоннинг божхона сиёсати билан яқиндан танишиш фикри туғилди, — деди жаноб Шавер.

Айни вақтда ЖБТ ҳамда Европа Иттифоқининг ТАСИС дастури шафелигида Марказий Осиё мамлакатлари божхоначилари учун мунтазам равишда семинарлар ўтказилмоқда. Бу эса мамлакатимиз божхона тизимини жаҳон андозалари даражасига кўтаришига хизмат қилади. Шу билан бирга, Жаҳон божхона ташкилоти яқиндагина Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Божхона кодекси» ҳамда «Тариф тўғрисида»ги қонуннинг ишлаб чиқилишида ўз маслаҳатларини бериб, божхона ишига доир қонунларимизнинг янада мукаммаллашувига кўмаклашди.

Ўзбекистон божхоначилари нафақат ЖБТ доирасида, балки ривожланган мамлакатлар божхона хизматлари билан ҳам алоқа боғлаганлар. Ўзбекистон АҚШ, Исроил, Венгрия, Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги, Франция, Хитой божхона маъмуриятлари ўртасида божхона иши соҳасида ҳамкорлик ва маъмуриятларнинг бир-бирига ўзаро ёрдами тўғрисида алоқа боғланган.

Дунё божхоначилари олдида турган муаммолардан бири ХХ аср ўлати бўлмиш гиёҳвандлик ва психотроп моддаларнинг ғайриқонуний ҳаракатига тўсиқ қўйишга қаратилган. Мамлакатимиз раҳбарияти бу муаммога мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ жиддий қарамоқда. Давлатимиз раҳбари юқори нуфузли минбарлардан туриб бу оғуга қарши курашни кучайтириш, барча мамлакатлар бирлашиб наркобизнесга тўсиқ қўйиш лозимлигини таъкидлагандилар. Зеро, давлатимиз раҳбарининг бу ташвиши бежиз эмас. Республикамиз божхоначилари эса ўз хорижлик ҳамкасблари билан қалин ҳамкорлик қилиб, гиёҳвандликнинг ноқонуний ҳаракатига ғов қўймоқдалар.

Холмурод АБДУРАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ФУТБОЛ ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

Тошкентда мамлакат Футбол федерацияси ижроия қўмитасининг мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 17 январдаги "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принципларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг бажарилиши кўриб чиқилди ҳамда федерациянинг 1997 йилдаги фаолиятига якун ясалди.

Мажлисни республика Футбол федерациясининг президенти, Ўзбекистон Ички ишлар вазири З.Алматов бошқарди.

Мажлисда мазкур қарор чиқанидан буён футбол клубларининг моддий базасини мустаҳкамлаш, уларнинг ўз-ўзини молиявий жиҳатдан таъминлашга ўтиши, футболчилар, мураббий ва ҳакамларнинг профессионал маҳоратини ошириш борасида анчагина ишлар қилингани қайд этилди.

Федерация муносиб ўринбосарлар тайёрлаш, стадион ва спорт комплексларини акциялашга жиддий эътибор бермоқда. Республикада спорт товарлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида ҳам катта иш олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, деб қайд этилди мажлисда, жойлардаги айрим раҳбар ва спорт ташкилотлари сусткашликка берилмаганида ютуқлар янада салмоқлироқ бўлиши мумкин эди.

Мажлисда сўзга чиққан Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси Б. Махсутов, халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, Жиззах шаҳри ҳокими С. Худоёров, Термиз шаҳри ҳокими Ҳ. Умаров республикада футболни сифат жиҳатидан бутунлай янги даражага кўтариш учун шароит яратилганини қайд этишди.

Футбол федерациясининг бош котиби З. Курбонов Ўзбекистон Миллий терма командасининг 1998 йилги жаҳон чемпионати саралаш ўйинларидаги иштироки ҳамда олий лига командалари ўртасидаги республика VI Миллий чемпионати якунлари ҳақида маъруза қилди.

Футбол федерацияси ижроия қўмитаси мажлисида Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов иштирок этди.

(ЎзА)

«МАРКАЗИЙ ОСИЁ — ОҲАНГРАБО МАКОН»

Япониянинг Кашивасаки шаҳрида бўлиб ўтган фотокўргазма шундай номланди.

Намойиш этилаётган фотосуратлар турли мамлакатлардаги одамлар шахсий коллекцияларидан олинган бўлиб, улар тахминан 100 йиллик тарихга эга. Ўлкамизга бағишланган ноёб фотосуратларда ўрта аср меъморчилигининг гўзал намуналари, аждодларимизнинг турли қиёфалари, ҳаёт ва турмуш лавҳалари акс этган.

Уч ярим ойдан ортиқроқ давом этган кўргазма кўпчиликда катта қизиқиш уйготди.

— Фотокўргазма иши давомида уни 200 мингдан ортиқ киши бориб кўрди, — деб таъкидлади ушбу тадбир ташкилотчиларидан бири жаноб Тошиоки Коива. — Унинг муваффақияти япон фуқароларини Марказий Осиё халқларининг тарихи ва бугуни билан таништиришни давом эттиришимизга ундади. Биз мазкур мамлакатлар, шу жумладан, Ўзбекистон вакиллари иштирокида қатор маданий тадбирлар ўтказишни режалаштирганмиз. Амалий санъат усталари яратган ажойиб асарлар, халқ ижодий гуруҳлари моҳирона ижро этган ашула ва рақслар бизни ром этади. Ушбу гуруҳлардан бирини йилнинг ўрталарида юртимизга таклиф этиш мўлжалланган. Келгусида Японияннинг қатор шаҳарларида ўзбек санъати фестивалини ўтказиш истагимиз ҳам бор.

Музаффар ЗОҲИДОВ,
«Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири,
Токио.

ФАРҒОНА ЕЛИМИ

Яқинда Фарғона политехника институтининг ўқитувчи ва талабалари ҳамкорликда тайёрлаган елим маҳсулоти синовдан ўтказилди. Унга шаҳардаги мебель фабрикаси мутахассислари юқори баҳо беришди. Маҳсулотни «Азот» бирлашмасидаги аммиак ишлаб чиқариш цехи чиқиндиларидан тайёрлашга олий ўқув юртининг Саодат Мирсалимова раҳбарлиқ қилаётган кимё-технология факультети талабалари, мутахассислари бош-қош бўлишди. Фарғоналик мебелчилар янги маҳсулотни кўплаб ишлаб чиқаришга буюртма беришди.

Институтда ёшларга таълим бериш билан бирга ишлаб чиқариш жараёнларини қўшиб олиб бориш, янгиликларни жорий қилишга алоҳида аҳамият бериляпти. Кимё кафедраси ўқитувчилари ишлаб чиққан иссиқсув таъминотида қувурларнинг тўлиб қолишининг олдини олишга доир таклиф ҳам нефтни қайта ишлаш корхонаси мутахассисларига маъқул келди. Бундай суюқлик химия саноати корхоналарининг чиқиндиси ҳисобланган ортфосфор кислотаси, сирка ангедрини ва шамдан тайёрланаяпти. Дастлабки ҳисоб-китоблар бу янги суюқликдан фойдаланиш камида миллион сўмлик харажатни тежаб қолиш имкониятини берар экан.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

ТАСДИҚЛАНГАН ДИЗАЙН-ЛОЙИҲАЛАР БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШ ВА ҚУРИШ УЧУН

ОЧИҚ ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Самарқанд шаҳридаги бўлими биноси (майдони — 9.000 м2 гача).
2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Қарши шаҳридаги бўлими биноси (майдони — 8.000 м2 гача).
3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Тошкент шаҳридаги санъат асарлари галереяси биноси (майдони — 12.000 м2 гача).
4. Бўстонлиқ туманининг Юсуфхона қишлоғида — Чорвоқ сув омбори қирғоғида халқаро меҳмонхона комплекси (майдони: I навбати — 6.000 м2 гача; II навбати — 5.000 м2 гача).

Объектларни қуриб битказишнинг мўлжалдаги муддатлари — 1998-1999 йиллар.
Қурилиш усули — "фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш".

Тендерда қатнашиш учун буюртманомалар эълон чиққан кундан эътиборан бир ой мобайнида қабул қилинади.

Тендерда қатнашиш учун буюртманомалар билан бирга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши зарур:
— оферентнинг таъсис ҳужжатлари;
— лойиҳалаш ва қурилиш-монтаж ишлари билан шуғулланиш учун тегишли лицензиялар (хорижий фирма ва компаниялар Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида аккредитациялангани тўғрисида рухсатномани тақдим этишлари шарт);
— кейинги 2 йиллик молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига кўра аудитор тасдиқлаган баланс;
— оферентнинг асосий фондлари таркиби кўрсатилган жадвал;
— қурилиш ишлари билан шуғулланувчиларнинг касб таркиби ва малака даражаси кўрсатилган жадвал;
— оферент қурган бинолар рўйхати (шу объектлар жойлашган манзиллар ҳам кўрсатилади).
Тендерга доир ҳужжатлар бепул тақдим этилади.

BANK LOYIHA INVEST

Эълон қилинаётган тендернинг бошқа шартлари тўғрисида қўшимча маълумотларни тендер ташкилотчиси этиб тайинланган "LOYIHA INVEST" банкларараро лойиҳа-инжиниринг компаниясидан қуйидаги манзилда олишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Файзулла Хўжаев кўчаси, 31-уй.

Телефонлар: 162-10-06, 162-11-06.

МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК — МАМЛАКАТ РАВНАҚИ ОМИЛЛАРИДАН БИРИ

Фуқароларнинг барча ҳуқуқларига риоя этиладиган демократик давлатни қуриш Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг бошланган ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг асосий мақсади бўлиб қолди. Президентимиз Ислом Каримов "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" китобида таъкидлаганидек, мамлакатимиздаги миллатлараро муносабатлар ички сиёсий барқарорлик ва миллий хавфсизлик шарт-шароитларини белгилайдиган омиллардан биридир. Мамлакатимиз раҳбариятининг саъй-ҳаракатлари туфайли республикада миллатлараро тинчлик ва тотувлик муҳити яратилди ва сақланиб турибди. Бу муҳит жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларида кенг кўламли янгиланишларни амалга оширишга кўмаклашмоқда.

Бу ҳақиқатан ҳам катта ютуқдир. Чунки ҳозир Ўзбекистонда 130 га яқин миллат ва элат вакиллари яшайди. Улар республикамиз фуқаролари бўлиб, Ўзбекистоннинг ягона халқини ташкил этади. Уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари тенг бўлиб, мамлакатнинг асосий қонуни — Конституция билан ҳимояланган.

Ҳар бир миллат вакиллари ўз маданиятини, тилини ривожлантириш, халқ урф-одатлари ва анъаналарини тиклаш учун барча имкониятга эга. Мамлакатимизда 80 та миллий маданият маркази ишлаб турибди. Уларнинг ишини мувофиқлаштириш билан олти йил муқаддам Тошкентда ташкил этилган Байналмилал маданият маркази шуғулланмоқда. Марказ турли тадбирлар, учрашувлар, концертларни ўтказиш учун жой бериш билан кифояланмайди (марказ пойтахтдаги шоҳкўчаларидан бирида ўзига хос услубда қурилган катта бинода жойлашган бўлиб, унда яхши жиҳозланган зал ва саҳна мавжуд). Республика маркази ходимлари бундай тадбирларни ташкил этишда, миллий мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларини очишда ёрдам бермоқда, уларда болалар ўз миллий маданияти анъаналарига мувофиқ тарбияланмоқда. Шунингдек, марказ ходимлари таълим учун зарур бўлган жиҳоз ва адабиётларни сотиб олишда ҳам ёрдамлашмоқда.

Марказ ҳам Ўзбекистондаги, ҳам бошқа мамлакатлардаги давлат ва жамоат тузилмалари билан алоқаларни йўлга қўйишда кўмаклашмоқда. Бу — чиндан ҳам миллатлараро тотувлик маркази бўлиб, турли миллатларга мансуб кишилар бир-бирлари билан ўзаро алоқаларнинг барча муаммоларини дўстона вазиятда муҳокама қила оладилар. Марказда ана шундай ишларга доир катта тажриба тўпланган. Миллатлараро муносабатлар бўйича қўшма конференциялар ва семинарлар ўтказилмоқда. Бундай анжуманлар якунлари юзасидан тайёрланган тавсиялардан фойдаланиш турли маданият марказлари ўртасидаги ҳамкорлик доирасини кенгайтирмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда МДҲдаги бошқа мамлакатлар маданияти кунларини ўтказиш анъана бўлиб қолди. Мамлакатимизда ўтган йилнинг охирида Украина маданияти кунлари бўлиб ўтди. Байналмилал маданият марказида бўлиб ўтган учрашувда украиналик меҳмонлар Ўзбекистонда барпо этилган мустаҳкам миллатлараро тотувлик сайёрамиздаги можаролар давом этаётган кўпгина минтақалар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкинлигини таъкидладилар. Фуқаролар тинчлигини сақлаб туриш (Байналмилал маданият марказининг бутун фаолияти шунга қаратилган) жамиятимизнинг демократик ислоҳотлар йўлидан ривожланишининг, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистоннинг барча фуқаролари учун умумий бўлган Ватанимиз гуллаб-яшнашининг омилларидан биридир.

А. ИВАНОВА,
ЎзА мухбири.

ВРАЧЛАР УЧУН АХБОРОТ

АПЗОН



- ЖКТ катогенларига танлаб таъсир этадиган восита;
- кенг спектр, резистентга ўрин қолмайди;
- ичакларнинг нормал ҳолатини бузмайди;
- ЖКТ бўшлиқларида тўпланади.

5-10 кун давомида кунига 4 марта 1 таблеткадан

1 сурхан шаҳанга фарма лимитед

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва касаба уюшма қўмитаси макроиқтисодиёт кафедраси мудири Анвар Эшмуҳамедовга онаси

Ҳажар ая АБДУЛЛАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

АЛ-ФАРҒОНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1200 ЙИЛЛИГИГА

УЛУҒ АЛЛОМА ИЗИДАН

Шу кунларда мамлакатимиз ва жаҳон жамоатчилиги буюк ватандошимиз, Шарқнинг улуғ алломаси Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллигини нишонлашга катта тайёргарлик кўрмоқда. Ўтмиш меросимиз ва ўлмас қадриятларимизни ўрганиш, тарғибу ташвиқ қилиш борасида ибратли ишларни амалга ошираётган Бобур номидаги Халқаро илмий экспедиция ўтган йил охирида хорижий мамлакатларга қилган навбатдаги сафари давомида бир қатор мумтоз аждодларимиз қатори ал-Фарғонийнинг ҳаёти ва фаолиятига оид муҳим маълумотлар тўплади. Экспедиция раҳбари, табиатшунос олим Зокиржон Машрабов яқинда таҳририятимизда бўлиб, қуйидаги ҳужжатни бизга тақдим қилди. Миср Араб Республикасининг пойтахти Қоҳира шаҳридан келтирилган мазкур ҳужжатда, жумладан, шундай дейилади:

«ЮНЕСКО Бош конференцияси 29-сессиясининг қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларининг Аҳмад ибн Касир ал-Фарғонийнинг кексалик чоғида, яъни 861 йили аббосий халифа Абул Фазл Жаъфар ал-Мутаваккил (847-861)нинг буйруғига биноан Нил дарёсидаги сув сатҳини ўлчайдиган иншоот барпо этиш учун Миср нинг Фустат шаҳрига келганлиги илмий асосда тасдиқланган. Илмий-техник ва меъморий жиҳатдан ғоят улуғвор бу қурилма Нил дарёсининг Сайёлат ул-Род деган ирмоғига ўрнатилган бўлиб, Ал-Манял туманининг Ар-Род мавзесида ҳозирга қадар асл ҳолатда сақланиб келади.

Ўзбекистон Республикасининг Қоҳирадаги элчихонаси ёрдамида экспедиция маҳаллий университетлар, илмий ташкилотлар, кутубхоналар ҳамда Миср Араб Республикасининг Тарихий ёдгорликларни қўриқлаш олий кенгаши билан илмий мулоқот олиб борди. Экспедиция Мисрда бўлган бир ҳафта муддат мобайнида Нил дарёсига ўрнатилган мазкур сув ўлчаш иншоотини бориб кўрди, шунингдек, Миср заминида вафот этган ал-Фарғоний мақбарасини излаш билан машғул бўлди.

Экспедиция ишига таниқли мисрлик олимлар — Қоҳира университети қошидаги Шарқ тадқиқотлари марказининг директори доктор Муҳаммад Халифа Ҳасан ва шарқий тиллар профессори, библиограф, мусулмон қўлёзмалари бўйича мутахассис, доктор Насруллоҳ Мубашшир ат-Тарозий ҳам қўшилдилар. Миср Араб Республикаси Тарихий ёдгорликларни қўриқлаш олий кенгашининг археологик тадқиқотлар маркази Бош директори доктор Кавсар Абул Футуҳ ҳам экспедицияга яқиндан ёрдам берди. Синчиклаб изланиш ва ўрганишлардан сўнг буюк аллома нинг Фустат шаҳрида вафот этганлиги, Мукаттам тоғининг шарқий қисмидан икки километр масофада жойлашган Имом Аш-Шофеъ қабристонига дафн этилгани аниқланди. Вақт ўтиши билан унинг қабри йўқолиб кетган.

Экспедиция аллома дафн этилган жой ва Нил дарёсидаги ал-Фарғоний бунёд қилган сув ўлчаш иншооти пойидан бир ҳовуч тупроқ олди. Бу муқаддас тупроқ илм-фан, маърифат ва жаҳон цивилизацияси ривожига бебаҳо ҳисса қўшган буюк аллома шарафига ўзбек халқи Фарғона водийсининг Қува шаҳрида барпо этаётган ёдгорлик мажмуидаги рамзий қабрга дафн этилади.

Ал-Фарғонийнинг ҳаёти ва ижоди келгуси авлодлар учун ёрқин хотира ҳамда ўзбек ва миср халқи ўртасидаги тарихий қардошлик ва дўстлик алоқаларининг рамзи бўлиб хизмат қилади.

Доктор МУҲАММАД ҲАСАН ХАЛИФА,
доктор НАСРУЛЛОҲ МУБАШШИР ат-ТАРОЗИЙ,
доктор ЗОКИРЖОН МАШРАБОВ,
доктор ШАМСИДДИН БОБОХОНОВ,
доктор РАҲИМЖОН ҚОДИРОВ.

Қоҳира, ҳижрий 1418 йил шаъбон ойининг бешинчи куни, мелодий 1997 йил 5 декабрь».

СПОРТ

БУ ЕРДА ОЛИМПИЯЧИЛАР ТАРБИЯЛАНАДИ

Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси қошидаги 2-сонли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ташкил тапгандан буён орадан 20 йилдан сал кўпроқ вақт ўтди. Дастлабки пайтларда мактаб фақатгина қиличбозлик ва спорт акробатикаси бўлимларига эга эди.

Орадан бироз вақт ўтиши билан бу ерда теннис ҳамда эркин кураш бўлимлари кўпчилик ёшларни ўз қучоғига олди.

Ҳозирга келиб бу масканда 23 та спорт устаси, 120 та усталикка номзодлар тарбияланди. 300 киши эса биринчи тоифали спортчи даражасига эришди. Энг қувончлиси шуки, Афанасий Пак устозлик қилаётган А. Очилов, Д. Захриддиновлар Атлантадаги Олимпия ўйинларида муваффақиятли қатнашиб, кучли ўнликдан ўрин олдилар. Айни паллада тарбияланувчиларнинг кўпчилиги республика Давлат спорт қўмитаси, республика Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилаётган кўпгина мусобақаларда ҳам фаол иштирок этиб, номдор спортчилар билан тенгма-тенг баҳс олиб бораётирлар.

Олимпия ўринбосарлари мактабида А. Абрамов, Д. Суҳанов, О. Филимонова сингари устозлар ёшларга муваффақиятга эришишнинг барча сир-асрорларини кўнгилдагидек ўргатмоқдалар. Эришилаётган натижалар ҳам шунга яраша, албатта. Қиличбозлик ва эркин кураш мусобақалари бўйича мактаб ўқувчиларининг қўлга киритган ютуқлари боис, бу масканга республика Давлат Спорт қўмитаси қарори билан Олимпия ўринбосарлари мактаби унвони берилган.

Муаммолар ҳам йўқ эмас, албатта. Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, шу бугунга қадар мактабдан бир қанча таниқли спортчилар етишиб чиққан бўлса-да, ҳанузгача у замонавий спорт мажмуига эга эмас. Шунинг учун ҳам баъзи пайтларда ўқув машғулотлари Чирчиқ, Олмалиқ, Бекобод шаҳарлари, Зангиота, Қибрай туманларидаги умумтаълим мактабларининг талабга жавоб бера оладиган спорт майдонларида ўтказилмоқда. Ниятимиз — Олимпия ўринбосарлари мактаби фаолиятига янада жиддийроқ эътибор қилинса, зарур шарт-шароитлар бекаму кўст яратиб берилса, қўлга киритилаётган ютуқлар бундан ҳам юқори бўлар эди.

Қ. АМИРЖОНОВ,
Тошкент вилояти педагогик ходимлар малакасини ошириш институти ходими.



Қаранг, атроф нақадар гўзал,
Кўз очади энг эзгу ният.
Ахир бизга оппоқ ўй тилар,
Оқ гуллаган она табиат!

А. РИСҚИЕВ (ЎзА)
сурат-лавҳаси.

ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

ФОЙДАСИ ЁҚАДИ. СОЛИ ҒИ-ЧИ?..

Сурхондарё вилояти давлат солиқ бошқармаси ходимлари фойдасини олган, лекин солиғини тўламаётган, ҳужжатларни қалбакилаштириб, ҳар хил юлғичлик билан шуғулланган шахсларни аниқлаб, уларнинг қонун олдида жавоб беришига эришмоқда.

Вилоят нефть маҳсулотлари таъминоти корхонаси, унинг жойлардаги шохобчаларида ишлайдиган айрим раҳбару ходимлар ана шундай гирромликлик қилаётган экан. Бундай дейишга сабаб, корхонада даромадни солиқдан яшириш ва бошқа турли қаллобликлар авж олгани аниқланди.

Ўтган йили корхонада тўланиши лозим бўлган даромад солиғидан 33 миллион 765 минг, қўшилган қиймат солиғидан 18 миллион 195 минг, бошқа тўловлардан 1 миллион 473 минг сўм яширилган. Ўтказилган текшириш якунларига кўра корхонадан, жарималар билан бирга, жами 77 миллион 772 минг 600 сўм бюджетга ундириб олинди.

Бош корхонада шундай бўлгач, унинг жойлардаги ёқилғи қуйиш шохобчаларида аҳвол қандай бўлиши мумкин? Қаерда бўлманг, тартибсизлик, харидор ҳақига хиёнат қилиш, мижозларга қўполлик, ёқилғи ўлчаш асбобларининг носозлиги ҳолларининг гувоҳи бўласиз.

Бойсун тумани "Агрокимётаъминот" ҳиссадорлик жамиятида ҳам нефть маҳсулотлари хўжасизларча талон-тарож қилинмоқда. Жумладан, жамиятнинг омбор мудири Т. Очилдиев 42 минг 569 сўмлик 2916 литр дизель ёқилғисини камомад қилган. Бу кимса ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан 3040 литр бензин ва 1350 литр дизель ёқилғисини ҳам ўзлаштириб юборган. Ҳиссадорлик жамиятида бир неча йилдан буён фойдаланиб келган ер майдонидан солиқ тўланмаган. Бу қингирликлари учун ушбу жамиятга нисбатан 16 минг 400 сўм қўшимча солиқ ҳамда шунча миқдорда молиявий жарима солинди. Туман прокуратурасида бу борада жиноий иш қўзғатилди.

Чори ТЎХТАЕВ,
ЎзА мухбири.

ИЖОДКОР ҲАҚИДА СЎЗ

УМР МАЗМУНИ

Сиёсий шарҳловчи сифатида қалам тебратиш, ном қозониш осон эмас. Бу жуда масъулиятли иш. Чунки дунё воқеаларини диққат билан кузатиб бориш, ҳар бир сиёсий ҳодисага муносабат билдириш керак бўлади.

Шарҳловчи хоҳ ташқи дунёда бўлсин, хоҳ ички ҳаётда бўлсин, муҳим сиёсий воқеаларга шошма-шошарлик билан эмас, мушоҳада юритиб, кенг сиёсий доиралар билдирган мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда баҳо бериши зарур. У ўз қалами билан янги сўз айта олиши, шахс даражасига кўтарилиши лозим. Бу тинмай меҳнат қилишни, билим савиясини оширишни, ҳар бир воқеани чуқур, адолатли ва холисона таҳлил қилишни тақозо этади.

Сиёсий шарҳловчиликнинг сермашаққат йўлини танлаб олган, узоқ йиллар мобайнида халқаро журналистика соҳасида баракали ижод қилиб келаётган ижодкор Талъат Солиев билан мулоқотда бўлсангиз, юқорида билдирилган фикрларнинг тўғрилигига гувоҳ бўласиз.

Шарҳловчи фаолияти қизғин кечади. Чунки, ҳаёт тарзининг ўзи шуни талаб этади. Талъат Солиев ҳам шундай ижод қилади. Республикамиз ҳаётидаги ҳар қандай сиёсий янгилик Талъат аканинг шарҳларида акс этмасдан қолмайди.

Буларни ҳозиржавоблик билан ҳаққоний ёритишда унинг хабардорлиги қўл келади. У дунё сиёсий харитасидаги кўплаб мамлакат ва халқлар тўғрисида маълумотларга эга. Унинг халқаро ҳаётда юз берган турли сиёсий воқеаларга ҳозиржавоблик билан муносабат билдириши, ўз вақтида шарҳлаб бера олишининг боиси ҳам шундан.

Мана бир неча йилдирки, республикамиз аҳолиси радио тўлқинларида шарҳловчи Талъат Солиевнинг номини тез-тез эшитади. Унинг «Мустақиллик одимлари: муаммо ва ечимлар», «Душанбадан душанбагача: дунё ва халқаро ҳаёт», «Етти кун нафаси» мавзуларидаги эшиттиришлари, «Сўнгги ахборот», «Дунё», «Оқшом тўлқинларида»ги чиқишлари, турли мавзулардаги шарҳлари доим тингловчилар диққатини тортади.

У бугунги кунда Ўзбекистон Телерадиокомпаниясида сиёсий шарҳловчилар гуруҳининг раҳбари, давримизнинг долзарб муаммолари ҳақида шарҳлар, суҳбатлар, давра суҳбатлари тайёрламоқда.

Журналист Талъат Солиев дилкаш, одамохун инсон сифатида ҳам дўстлари, ҳамкасбларининг ҳурматини қозонган.

Талъатжоннинг оиласидан, фарзандларидан кўнгли тўқ. Бу ҳам Талъат Солиевнинг умр мазмунини безайди. Унинг сиёсий шарҳловчи сифатидаги фаолияти эса кундан-кунга янги қирралар касб этаётир.

Сермашаққат ижод аҳллари ҳар доим эл-юрт томонидан қадрланиб, эъзозланиб келинган. Дўстимиз, устозимиз, ҳамкасбимиз Талъатжон ака ҳам шулар қаторида.

Қобилбек КАРИМБЕКОВ,
Файзи ШОҲИСМОИЛОВ,
сиёсий шарҳловчилар.

ЕТТИ ИҚЛИМ САДОСИ

ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

ОЛСТЕР:

«БОШ ОҒРИҚ»НИНГ ДАВОСИ БОРМИ?

Буюк Британия ҳукуматининг Шимолий Ирландия масаласини ҳал қилишга бўлган уринишлари яна боши берк кўчага кириб қолди.

Тони Блернинг сайловларда ғалабага эришиш сабабларидан бири ҳам Олстер муаммосини кескин ва узил-кесил ҳал қилиш борасида берган ваъдалари эди. Чунки ҳам Англия, ҳам Шимолий Ирландия халқи протестант ва католик мазҳабидаги динни ниқоб қилиб олган ҳокимиятпарастларнинг ўзаро жанжалидан чарчаган эди.

Буюк Британия бирлашган қироллиги таркибидан чиқиш умидида бўлган Шимолий Ирландия католиклари ва уларнинг ғоявий раҳнамоси бўлган Шин Фейн партияси яқин вақтларгача Ирландия ҳукуматининг ёрдамига ишониб келар эди. Тони Блер партияси ҳокимият тепасига келгач, Ирландия ҳукуматидан Шимолий ирландиялик сепаратчиларни қўллаб-қувватламаслик ҳақида ваъда олди. Буюк Британия ва Ирландия ўртасида тузилган шартномага мувофиқ, Ирландия Шимолий Ирландияни ўзига қўшиб олиш талабидан конституцион равишда воз кечди. Англия эса иқтисодий қолоқ бу ҳудудга иқтисодий ва ижтимоий ёрдамни кучайтириш мажбуриятини олди. Бироқ ҳукуматлараро тузилган бу шартнома Шимолий ирландиялик католикларни қониқтирмади. Улар Ирландия ҳукумати ўзига тобе бўлмаган халқ номидан мажбурият олиши мумкин эмас, деб ҳисобламоқдалар.

Буюк Британия Бош вазири Тони Блер 19 январь куни Шимолий Ирландия католикларининг раҳнамоси, Шин Фейн партиясининг раҳбари Жерри Адамс билан учрашувдан кўп нарса кутган эди. Бироқ Жерри Адамс Бош вазир қароргоҳидаги учрашувда ҳукуматлараро битим тан олинмаслигини эълон қилди. Шин Фейн партиясининг вазифаси "Олстер муаммосининг ечимини умумирланд масаласи даражасига кўтариш" эканлиги тўғрисида баёнот берди. Шунингдек, Жерри Адамс Шимолий ирландиялик протестантлар билан ҳам, Буюк Британия ҳукумати билан ҳам сиёсий музокараларни ҳозирча бошламай туришларини уқтирди. Бунинг сабаби сифатида Олстердаги кўп сонли инглиз аскарларини кўрсатиб ўтди.

20 январь куни эса вазият тўсатдан ўзгарди. Шин Фейн партияси олий бошқарувининг аъзоларидан бири Мартин Макгиннес католиклар партияси музокаралар жараёнини давом эттирмоқчи эканлиги ҳақида расмий баёнот берган. Қизиғи шундаки, католиклар 17 январь куниёқ музокараларда қатнашмасликка келишиб олган эканлар. Жерри Адамснинг Тони Блер билан учрашуви шу қарорни эълон қилишга бир минбар бўлди, холос. Вазиятнинг бу тариқа тўсатдан ўзгариб кетишига матбуотда эълон қилинган бир мақола сабаб бўлди. АҚШнинг Лондондаги собиқ элчиси Рей Зейтц яқинда ёзиб тугатган хотиралар китобининг Шимолий Ирландияга боғлиқ ўринларини эълон қилдирган. Унда таъкидланишича, 1993-1996 йиллари АҚШнинг махфий хизмат маҳкамалари Шимолий ирландиялик сепаратчиларни зарур маълумотлар билан ҳар томонлама таъминлаб турганлар. Бундан хабар топган Англия ҳукумати норозилик сифатида АҚШ билан ҳамкорликда ўтказиладиган бир қанча стратегик разведка операцияларидан воз кечган. Рей Зейтцнинг маълумотларини мансабдор шахслар ҳам тасдиқламоқдалар.

Протестантлар ҳукмидан чиқиш, мазҳабдош биродарлари билан қўшилиш ғояларини байроқ қилиб турган Шин Фейн сиёсатчилари протестантлар Америкаси билан ҳамкорлик қилиб келгани оддий халқнинг ихлосини қайтариши мумкин. Шу боисдан ҳам улар музокаралар бошлаш билан йўқотган обрўларини яна қайта тиклаб олмоқчи, шекилли. Ҳар ҳолда, нима бўлганда ҳам неча йиллик жанжал давом этмоқда. Буюк Британия ҳукуматининг эса бу жанжалга чора тополмай боши қотган.

Мусулмон НАМОЗ,
ЎзА шарҳловчиси.

ТАШРИФГА ТАЙЁРГАРЛИК

ПЕКИН. Хитой ва Япония давлат раҳбарларининг амалий-расмий ташрифлари бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилаяпти. Режага кўра, жорий йилнинг апрель-май ойларида Япония Бош вазири Р. Хасимото Хитойга ташриф буюради. ХХР Раиси Ц. Цземиннинг Японияга жавоб ташрифи эса шу йилнинг сентябрига мўлжалланган. Мутахассислар бўлажак ташрифлар иккала мамлакат ўртасидаги ўзаро алоқаларни янги босқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этажагини айтмоқда.

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

ВАШИНГТОН. Тез орада АҚШ пойтахтида автомобилларнинг 56-халқаро кўргазмаси бўлиб ўтади. Унда дунёдаги автомобиль ишлаб чиқарувчи етакчи корпорацияларнинг 500 га яқин янги моделдаги маҳсулотлари намойиш этилади.

Кўргазма залларидан "Жип Айкон" ва "Линколн"нинг энг замонавий турлари ҳамда "Роллс-Ройс" корпорациясининг 1998 йил учун тақдим этаётган "Парк Уард" русумли янги маҳсулоти, шунингдек, "Мерседес"нинг "Си" ва "Эм" туркумидаги автомобиллари ҳам жой оладди.

АФРИКАДА КАСАЛЛИК КЎПАЙМОҚДА

САХАРИ. Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти вакилининг билдиришича, Африка давлатлари СПИД касаллигининг тарқалиши бўйича дунёда олдинги ўринларни эгаллаб турибди. Айниқса, Жанубий Сахар ва Кот-Д Ивуар республикаларидаги аҳвол ташвишланарли даражада. Врачларнинг аниқлашича, бугунги кунда улар аҳолисининг қарийб 10-15 фоизи СПИД асоратида.

Шунингдек, Эфиопия ва Нигерияда ҳам 2 миллионга яқин одам ушбу касалликка чалингани қайд қилинган.

КУРАШ КЕСКИН ТУС ОЛДИ

АФИНА. Грециядa сўнгги пайтларда қўпорувчиларга қарши кескин кураш олиб борилаётир. Шунга қарамай, Греция пойтахтида учта қўлбола портловчи қурилма "чанг-тўзон" ясади. Қўпорувчиларга қарши кураш бўйича хизмат вакилининг айтишича, бахтли тасодиф туфайлигина ҳеч кимга зарар етмаган. Айни пайтда бу иш юзасидан мамлакатда қидирув ишлари олиб борилаётир.

КОКАИН МАЙДОНЛАРИ ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

БОГОТА. АҚШ йўлдош разведка хизматининг маълумотига қараганда, айни вақтда Колумбияда 75200 гектар ноқонуний равишда экилган гиёҳванд модда — кокаин плантациялари мавжуд экан. Якунланган йилда мамлакат полиция маҳкамаси 40 минг гектар кокаин майдонларини йўқ қилган. Ушбу гиёҳванд моддалар заҳарли химикатлар билан қайта ишланиши натижасида Колумбия атроф муҳитига ҳам жиддий зарар етмоқда.

ЕТТИ ИҚЛИМ САДОСИ

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

БЎЛИМЛАР:
Парламент 133-57-34;
Ҳуқуқ ва қонунчилик 136-07-94;
Иқтисодиёт 136-36-65;
Қишлоқ хўжалиги 136-37-85
Маънавият 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар 136-29-89, 133-07-48;
Фан, туризм, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 132-12-08;
Халқаро ҳаёт 132-11-15;
Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001
Буюртма Г — 0903, 33.805 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Рустам АЗИМОВ, Иван РЕШАНОВ ва АКРОМ томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ж. Сафоев.
Навбатчи — Н. Мусомов.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 *Босишга топширилди:* 23.35 123456